

Сийрат 193-дарс. Кибри бор одам жаннатга кирмайди



19:00 / 22.07.2022 4592

743. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалбида зарра оғирлигида кибри бор одам жаннатга кирмайди», дедилар». «Эй Аллоҳнинг Расули, киши кийими гўзал бўлишини, пойабзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам. «Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

744. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ сизлардан бирингиз бирор иш қилса, яхшилаб қилишини хуш кўради», дедилар».

Абу Яъло ва Байҳақий «Шуъабул-иймон»да ривоят қилишган.

* * *

745. Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан бир киши ўтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари унинг ғайрати ва ҳаракатчанлигини кўриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар мана шу Аллоҳнинг йўлида бўлганидами?» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ёш болалари учун ҳаракат қилгани чиққан бўлса, у Аллоҳнинг йўлидадир. Агар катта ёшдаги ота-онаси учун ҳаракат қилгани чиққан бўлса, у Аллоҳнинг йўлидадир. Агар ўзи учун ҳаракат қилгани чиққан бўлса, у Аллоҳнинг йўлидадир. Агар риё ва фахрланиш учун чиққан бўлса, у шайтоннинг йўлидадир», дедилар».

Табароний ва Байҳақий ривоят қилишган.

* * *

746. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хунук исмларни ўзгартирар эдилар».

Термизий ривоят қилган.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан